

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2024 йил март ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Касби туман судининг, Касби тумани “Хўжахайрон” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, суд раиси Ш.Нурматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Розиқовнинг котиблигида, тарафлардан Касби туман прокурорининг ёрдамчиси У.Жонимқулов, судланувчи А.Махмудов, жабрланувчи Ш.Сафаров, Б.Умиров, ҳимоячи-адвокат Х.Абдуллаевнинг иштирокида, Махмудов Алишер Саидовичга нисбатан 1-1807-2401/19-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи; Махмудов Алишер Саидович - 1983 йил 10 мартда Касби туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 5 нафар фарзандлари бор, муқаддам

ЖИБ Пастдарғом туман судининг 2017 йил 5 июлдаги ҳукмига кўра, ЖК 28,167-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбли топилиб ЖК 45-моддаси қўлланган ҳолда, 1 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравари миқдорида, 19.536.000 сўм жарима жазоси тайинланган;

ЖИБ Ғузор туман судининг 2020 йил 24 августдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 1 йил 8 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖК 62-моддасига асосан, 1 йил 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган;

ЖИБ Касби туман судининг, 2021 йил 5 январь кунидаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 228-моддаси 1-қисми билан айбли топилиб, ЖКнинг 61,59-моддаси 8-қисмига асосан, 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган,

ЖИБ Қарши туман судининг 2022 йил 6 май кунидаги ажримига асосан ўталмай қолган, 3 йил 4 ой 18 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 74-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган,

ЖИБ Қарши туман судининг 2022 йил 8 сентябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли топилиб, ЖК 57,61,62,59-моддаси 8-қисмига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 29 баравари миқдорида, 5.879.170 сўм жарима жазоси ва иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 3 йил 4 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари



жазоси тайинланган, ўталмаган жазо муддати, 2 йил 27 кун, депутат бўлиб сайланмаган, Касби тумани “Хўжахайрон” МФЙ “Равот” қишлоғида яшайди, иш бўйича 23.12.2023 йилда тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини, 2024 йил 23 январь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг музокара нутқларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни атрофлича, муҳокама қилиб қуйидагиларни.

а н и қ л а д и:

Судланувчи А.Махмудов, фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 22-апрель куни Касби тумани “Хўжаки” МФЙ, Қамаш қишлоғида яшовчи Ш.Сафаровни яшаш уйига бориб, йирик шохли ва майда шохли молларини, 109.500.000 сумга сотиб олишга келишиб, унга 15.700.000 сўм бериб, қолган 93.800.000 сўмни эртага олиб келиб беришини ваъда қилиб, уни ишонтириб, пулларини бермасдан, пул ўрнига фирибгарлик йўли билан қўлга киритган, Нишон тумани “Нуристон” шаҳарчасида яшовчи Б.Умировнинг номига 17.08.2022 йилдаги шартномага асосан Қарши шаҳридаги “МОГО ЛЕНД” МЧЖдан кредит асосида олинган “Ласетти” русумли 70/805 РВА автомашинасини, 2023 йил июнь ойида ташлаб кетиб, автомашинани уни номига расмийлаштириб беришини айтиб, алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, 93.800.000 сўмини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, А.Махмудов, ўзининг жиноий ҳаракатини такроран давом эттириб, Нишон тумани “Нуристон” шаҳарчасида яшовчи Б.Умировнинг номига 17.08.2022 йилдаги шартномага асосан Қарши шаҳридаги “МОГО ЛЕНД” МЧЖдан кредит асосида олинган “Ласетти” русумли 70/805 РВА давлат рақамли автомашинасини, Қарши шаҳарида яшовчи автомашина олди-соттиси билан шуғулланиувчи шахслардан, 2023 йил июнь ойида “МОГО ЛЕНД” МЧЖга ўзи пулини тўлаб, ўзининг номига ўтказиб олиш шарти билан олиб кетиб, ушбу автомашинани пулини тўламасдан автомашинани фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Судланувчи А.Махмудов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида кўрсатилган жиноят содир қилган.

Судланувчи А.Махмудов судда, айбига иқрорлик, пушаймонлик билдириб, 2023 йил 22-апрель куни Касби тумани Хўжаки қишлоғида яшовчи Ш.Сафаровдан мол сотиб олиш учун унинг яшаш уйига борганлигини, уни молларини жами 109.500.000 сўмга сотиб олишга келишиб, Ш.Сафаровга 15.700.000 сўмни бериб, 93.800.000 сўмни келтириб беришини айтиб молларни олиб кетганлигини, имконияти бўлмаганлиги



сабабли пулни бера олмаганлигини, 2023 йил июнь ойларида автомашина олиш учун Қарши шаҳарига бориб, Қ.Баҳадировга учрашганида “Ласетти” русумли автомашина борлигини, автомашинани 90 млн сўмга сотишлигини айтганида, автомашинани Қарши шаҳридаги “Мого Ленд” МЧЖга тегишли эканлигини билганлигини, Қарши шаҳридаги “Мого Ленд” МЧЖга тегишли бўлган “Ласетти” русумли 70 805 РВА давлат рақамли автомашинани олиб кетганлигини, эртаси куни унга 15 млн сўм берганлигини, кечирим сўрашлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Ш.Сафаров судда, 2023 йил 22 апрель куни Касби тумани “Хўжаки” қишлоғида яшаш уйига А.Махмудов келиб, йирик шохли ва майда шохли молларини жами 109.500.000 сўмга сотиб олишга келишиб, 15.700.000 сўм бериб, 93.800.000 сўмни эртага келтириб беришлигини вада қилиб молларни олиб кетганлигини, хозирга қадарли пулни бермаганлигини, 93.800.000 сўмни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Б.Умиров судда, 2022 йил 17 август кунидаги шартномага асосан 70 805 РВА “Ласетти” русумли автомашинани иккиламчи кредит асосида олганлигини, оилавий шароити тўғри келмай қолганлиги сабабли кредитни тўлай олмаганлигини, “Ласетти” русумли автомашинасини Б.Назировга берганлигини, автомашинани пулини тўлаб автомашинани ўзини номига расмийлаштириб олишини айтганлигини, у автомашинани пулини бошидан 20.000.000 сўм берганлигини, автомашинани сотиб юборганлигини маълум қилди.

Гувоҳ У.Каримов судда, Қарши шаҳридаги “MOGO LEND” МЧЖда ундирувчи вазифасида ишлаб келишини, 70/805РВА давлат рақамли оқ рангли Ласетти русумли автомашинасини Нишон тумани Нуристон шаҳарчасида яшовчи Б.Умировнинг номига 20.08.22022 йилда МЧЖ ўртасида тузилган L20082022/0004-сонли шартномага асосан кредит асосида расмийлаштириб берилганлигини, хозирги вақтда 70/805РВА давлат рақамли оқ рангли Ласетти русумли автомашинаси МЧЖга қайтарилганлигини маълум қилди.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи А.Махмудовнинг ушбу ҳукмда кўрсатилган жиноятларни содир қилганлиги жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарор, ўзининг айбига иқрорлик ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатуви, жабрланувчиларнинг дастлабки терговда ва судда берган кўрсатмалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиқланади.

Дастлабки тергов органи томонидан, А.Махмудовнинг жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида:

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-энгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1, 3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”, - деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи А.Махмудовга нисбатан жазо тайинлашда муқаддам судланиб ўзига тегишли хулоса чиқармасдан ғаразли паст ниятларда жиноят содир қилганлигини, етқазилган зарар қопланмаганлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб, унинг шахсини, айбига иқдор ва пушаймонлигини, оилада ягона боқувчилигини, қарамоғида 5 нафар фарзандлари борлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб, иш ҳолатига кўра қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик принципларига қатъий амал қилган ҳолда уни жамиятдан ажратган ҳолда қайта тарбиялаш лозим деган хулосага келиб, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖК 57 моддасини қўллаган ҳолда модда санкция доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтатиришни, жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2022 йил 8 сентябрь кундаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, ЖК 60,61-моддаларига асосан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони қаттиқ тартибли қалонияларда ўтатиришни, жазо муддатини ҳукм ижрога қаратилиб, у қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, ҳозирда оёғи синиб гиписланган ҳолда пастелни режимда даволанаётганлиги абабли ҳукм ижросини, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 533-моддаси 1-қисмининг 1-бандига асосан у соғайгунга қадарли кечиктиришни, ҳукмнинг ижросини назорат қилишни, Касби туман ИИБ пробацация гуруҳи маъсул ходимлари зиммасига юклашни, А.Махмудовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кириб ижрога қаратилганидан сўнг бекор қилишни, А.Махмудовдан жабрланувчи Ш.Сафаровга 93.800.000 сўм ундиришни,



жабрланувчиларга моддий ва маънавий зарар масаласи бўйича фуқаровий тартибда даъво қилиш ҳуқуқини тушунтиришни.

Шунингдек ашёвий далил, жиноят ишига қўшилган “МОГО ЛЕНД” МЧЖга тегишли бўлган “Ласетти” русумли 70/805 РВА автомашинаси тилхат асосида эгаси яъни “МОГО ЛЕНД” МЧЖга қайтарилганлини қайд қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд:

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Махмудов Алишер Саидович ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

А.Махмудовга ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖК 57-моддасини қўллаб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2022 йил 8 сентябрь кунидаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган жазоси, ЖК 60,61-моддасига асосан тайинланган жазосига қисман қўшиш йўли билан, узил кесил, 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин, жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтатирилсин, жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилиб у, қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисоблансин,

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 533-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан А.Махмудов соғайгунига қадарли ҳукмнинг ижроси кечиктирилсин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Касби туман ИИБ пробацация гуруҳи маъсул ходимлари зиммасига юклатилсин.

Ҳукм ижрога қаратилгач А.Махмудовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

А.Махмудовдан жабрланувчи, Ш.Сафаровга 93.800.000 сўм ундирилсин.

Ашёвий далил жиноят ишига қўшилган “МОГО ЛЕНД” МЧЖга тегишли бўлган “Ласетти” русумли 70/805 РВА автомашинасини тилхат асосида эгаси яъни “МОГО ЛЕНД” МЧЖга қайтарилганли қайд қилинсин.

Жабрланувчиларга моддий ва маънавий зарар масаласи бўйича фуқаровий тартибда даъво қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига ўн сутка ичида апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:
Аслига тўғри

Ш.Нурматов

